



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2024 йил 27 сентябрь, № 199 (8822)


Жума

Сайтимидаги ўқиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Хавфсизлик соҳасида амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 сентябрь кuni Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоси, Сиёсий-юридик комиссияси котиби Чэнь Вэньцин бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Делегация раҳбари Чэнь Вэньцин давлатимиз раҳбарига Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик ва барча шароитларда стратегик шериклик муносабатларни олий даражада қабул қилинган қарорлар асосида ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Терроризм, экстремизм, трансмиллий жиноятчилик, кибержиноятчилик, наркотрафик каби хавфсизликка таҳдид солаётган аънанавий ва янги хатарларга қарши курашда амалий ҳамкорликни кенгайтириш ва сайъ-ҳаракатларни самарали мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу кунларда бўлиб ўтган Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ва хавфсизлик соҳасидаги Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлик механизмининг биринчи йиғилиши натижалари юқори баҳоланди.

Шунингдек, минтақавий кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТГА ЙўНАЛТИРИЛГАН ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев 26 сентябрь кuni қурилиш, таълим, туризм ва саноат соҳаларидаги лойиҳалар тақдироти билан танишди.

Маълумки, жорий йил 3 апрель кuni Янги Тошкент шаҳрида илк иншоотлар қурилиши бошланганди. Давлатимиз раҳбари бу улкан лойиҳа илм-фан ва маънавият масканларидан бошланаётганига ургу бериб, "булар маърифатли жамият барпо этиш гоямизининг асоси ва намунаси бўлади", деган эди.

Шулардан бири — Алишер Навоий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Адабиёт музейи ва Миллий мақом маркази — ўз ичига олган мажмуадир. У жаҳонга машҳур "Zaha Hadid architects" компанияси томонидан лойиҳалаштирилган. Бўлажак мажмуа ўзига хос дизайни ва функционалиги билан диққатга сазовор. Унда эстетика ва қулайлик моҳирона бирлаштирилиб, атроф-муҳит билан уйғунлик ҳосил қилинган. Шу жиҳатлари билан мажмуа келгусида халқаро туризм масканларидан бирига айланади.

Янги Тошкент учун яна бир салоҳиятли гўша — Чирчиқ дарёси. Аҳоли ва меҳмонларга замонавий шароитлар яратиш мақсадида унинг 6 километрга яқин қисмида дам олиш ҳудуди барпо этиш мўлжалланган. Бунинг учун қирғоқлар тартибга келтирилиб, кўкаламзорлаштирилади. Меҳмонхона, соғломлаштириш ва кўнгли очар масканлар қурилади.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги янада мустаҳкамланиб бормоқда. Ушбу нуфузли ташкилот Бош конференциясининг 43-сессияси 2025 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 15 мартдаги қарорига мувофиқ тайёрлар билан бошлаб юборилган.

Тақдиротда шу борада амалга оширилаётган ишлар ҳамда режалар тўғрисида ахборот берилди. Хусусан, Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида Самарқанд шаҳридаги маданий мерос объектларини асраш, улар бўйлаб саёҳатлар ва кўргазмалар ташкил этиш чоралари кўрилмоқда.

Меҳмонхоналар ва тадбирлар ўтказиладиган жойларда барча шароит яратиларди. Сессия иштирокчиларининг келиб қетиши, маданий тадбирлар, транспорт ва тиббий хизматлар му-

вофиқлаштириб борилади. Ижтимоий соҳадаги энг катта йўналишлардан бири бу — таълим. Аҳолисининг кўпчилиги ёш бўлган мамлакатимизда унинг барча босқичлари изчил ривожлантирилмоқда. Хусусан, олий таълимда ҳам янги масканлар қурилиб, шароитлар яхшиланмоқда. Бухоро давлат университетида 21 мингдан зиёд ёшлар ўқийди, 10 та факультет, 8 та ётоқхона бор. Лекин биналар шаҳарнинг турли ҳудудларида тарқоқ жойлашган бўлиб, ўқитувчи ва талабаларга ноқулайликлар туғдирмоқда.

Шу боси Бухоро шаҳрининг чеккасида университет учун янги кампус қуриш режалаштирилмоқда. 43 гектарда лойиҳалаштирилаётган мажмуада барча факультетлар, маъмурият, ётоқхоналар, лабораториялар, кутубхона, стадион, спорт зали ва амфитеатр яхлит жойлашади. Дарс ва амалиёт учун замонавий шароитлар яратилади. Ётоқхона ўрни 3 мингтадан 6 мингтага ошади. Бўш майдонларга дараклар экилиб, боғ барпо этилади.

Хива шаҳри юртимизнинг туризм манзилларидан биридир. Сўнгги йиллардаги бунёдкорлик ишлари натижасида унинг салоҳияти янада ошди. Бу ерга келувчиларга қулайлик яратиш мақсадида поезд вокзали ёнида йўлқўзгич барпо этиш мўлжалланмоқда. Лойиҳага кўра 450 метрлик бу йўл транспорт катнодини алоҳида ташкил этиш имконини беради, вокзал ва Ичан қалъа ўртасида пидедалар хавфсиз ҳаракатланади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни такомиллаштириш, амалдаги ишларнинг сифатини ошириш бўйича кўрсатмалар берди. Тақдиротда Тошкент шаҳрида инвестиция дастурларининг бажарилиши ҳақида ҳам ахборот берилди. Қайд этилганидек, жорий йилнинг ўтган даврида 2 миллиард доллар қийматидagi инвестициялар ўзлаштирилган. 200 га яқин саноат лойиҳалари фойдаланишга топширилиб, 25 мингдан зиёд иш ўринлари яратилган. Жумладан, Янгижаёт туманидаги кўрсатмалар 46 та корхона ташкил этилмоқда.

Президентининг йил якунигача мўлжалланган лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш, энергия тежамкорликка алоҳида аҳамият қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Ў.А.

## ВОСИТ ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ МАРКАЗИ ЖАМОАСИГА

Қадри юртдошлар! Аввало, сиз, азизларни бугунги кутлуг сана — академик Восит Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилганининг 50 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Ўзбекистонда жарроҳлик бўйича етакчи ва нуфузли муассаса ҳисобланган ушбу Марказ кўп миллатли ахил жамоасининг фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида алоҳида ўрин эгаллаб келаётганини барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Бугунги кувончли айёмда Марказни ташкил этиш, унинг тиббий салоҳиятини оширишда бекиёс хизматлар қилган табаррук инсонлар, хусусан, халқаро миқёсда тан олинган атоқли олим Восит Воҳидовнинг хотирасини хурмат-эҳтиром билан ёдга оламиз. Ўзбекистон тиббиёт илмида ёрқин из қолдирган ана шу фидоий ва жонқур инсоннинг сайъ-ҳаракатлари билан Марказ фаолияти самарали йўлга қўйилиб, янги диагностика ва даволаш усуллари клиник амалиётга биринчилардан бўлиб жорий этилди.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли ҳозирги кунда Марказ фаолияти янги босқичга кўтарилмоқда. Хусусан, дунёнинг етакчи илмий марказлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб борилаётган тиббий диагностика ва даволашнинг илгор ва самарали усуллари кенг таъкид этилмоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда мазкур шифонада 200 дан ортиқ янги жарроҳлик амалиёти жорий этилиб, қорин ва кўкрак соҳаси ҳамда юрак-кон томир касалликлари бўйича энг мураккаб ва юқори технологик операциялар бажарилаётгани диққатга сазовордир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ Тўғрисида

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини халқаро андозалар асосида ривожлантириш, аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиши такомиллаштириш, соҳада замонавий даволаш усуллари ва илгор хорижий тажрибаларни кенг жорий этиш, хусусан, мураккаб жарроҳлик операцияларини муваффақиятли амалга ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси, юксак профессионал маҳорат ва малакага эга бўлган мутахассисларни тайёрлашдаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий ўнвони билан

Исмаилов Сайдирад Ибрагимович — Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори

II даражали «Саломатлик» ордени билан

Гуламов Олимжон Мирзахитович — Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг торакабдоминал онкохирургия бўлими мудири

Мадагизев Олег Рахматович — Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг торакабдоминал хирургия бўлими шифокори

Хайбуллина Зарина Руслановна — Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг клиник биокимё ва микробиология бўлими мудири

Хайдаров Алишер Эркинвич — Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг кардиоанестезиология, кардиореанимация ва сунъий қон айланиш бўлими мудири

Ярбеков Рустам Раимкулович — Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг юрак ишемиё касалликлари ва унинг асоратлари хирургияси бўлими мудири, кардиохорохи

«Дўстлик» ордени билан

Рустамова Франгис Камрановна — Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг маслаҳат поликлиникаси бўлими кичик тиббий ходими

Шуваева Ольга Владимировна — Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг тиббиёт архиви мудири

«Соғлом турмуш» медаллари билан

Джуроева Нигора Мухсомовна — Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг магнит резонанс ва компьютер томография бўлими мудири

Қадиров Марат Жалғасович — У. Халмуратов номидаги Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт марказининг жарроҳлик бўлими шифокори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2024 йил 26 сентябрь

## МДХ Парламентларо Ассамблеяси билан конструктив алоқалар

Марказий сайлов комиссиясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Кенгаши сайловларини кузатиш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюрган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентларо Ассамблеяси (МДХ ПА) вакиллари иштирокида учрашув бўлиб ўтди.



Учрашувда МДХ Парламентларо Ассамблеяси Кенгаши бош котиби маслаҳатчиси С. Караваяев ҳамда МДХ ПА иштирокчи давлатларда демократиянинг ривожланиши, парламентаризм ва фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш халқаро институти (ДРМХИ) эксперти С. Ткаченко иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси Раиси З. Низомхўжаев МДХ Парламентларо Ассамблеяси билан конструктив ҳамкорлик йўлга қўйилганини таъкидлади. МДХ ПА Марказий сайлов комиссиясининг Ҳамдўстлик мамлакатлари бўйича сайлов соҳасидаги ҳамкорларидан бири бўлиши билан бирга сўнгги йилларда Ўзбекистонда

ўтказилган сайловларни мониторинг қилиш ва унинг натижалари бўйича муҳим тавсиялар беришда ҳам фаол қатнашиб келмоқда.

Қайд этиб ўтилганидек, сайловнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда халқаро ташкилотлар, сайловни кузатиш миссиялари, хусусан, МДХ ПАнинг тавсияларини миллий қонунчилигимиз ва амалиётимизга татбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, учрашувда 27 октябрь кuni бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ

депутатлари маҳаллий Кенгашилари депутатлари сайловлари аралаш сайлов тизими асосида ўтказилиши ҳамда унинг ўзига хос хусусиятлари, миллий сайлов амалиётига татбиқ этилган янгиликлардан яна бири — "E-Saylov" ахборот тизими ва мазкур тизимнинг афзалликлари юзасидан батафсил маълумот бериб ўтилди.

Ўз навбатида, миссия вакиллари бўлажак сайловларнинг умумэтироф этилган халқаро демократик тамойиллар асосида, юқори ташкилий даражада ўтишига ишонч билдирди.

«Халқ сўзи».

## САЙЛОВ — 2024

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайловлар бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловда ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Ўзбекистон Халқ демократик партияси номидан «Фаровонликка хизмат қиладиган дастур» сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

Олий Мажлис Сенатида

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, инвестицияларни жалб этиш, экспортни қўллаб-қувватлаш – доимий эътиборда

Кеча Олий Мажлис Сенати кўмиталарининг ҳамкорликдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Андижон, Жиззах, Наманган ва Хоразм вилоятларида аграр ҳамда озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш, инвестицияларни фаол жалб этиш ҳамда экспортни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар ҳолати муҳокама қилинди.

Овқат маҳсулотлари экспорт қилинган.

Худудий ривожлантириш дастурлари доирасида йил якунига қадар 201 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилиши белгиланган бўлиб, ўтган ярим йилликда қиймати 164 млрд. сўмлик 60 та янги лойиҳа ишга туширилган ҳамда мингга яқин иш ўринлари яратилган.

Хоразм вилоятида аграр ва озиқ-овқат соҳасида қиймати 1,7 трлн. сўмлик 156 та лойиҳани ишга тушириш ва 2,6 мингта иш ўрни яратиш режалаштирилган. Ўтган ярим йилликда қиймати 237 млрд. сўмлик 85 та лойиҳа молиялаштирилиб, 760 дан ортиқ иш ўринлари очилган.

Мажлисида амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда, ўз ечимини кутаётган муаммолар мажҳудлиги ҳам таъкидланди.

Хусусан, Андижон вилоятида жорий йилда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича қиймати 21,2 млн. доллар бўлган 23 та лойиҳа шакллантирилиб, бугунги кунда 6,9 млн. доллар бўлган 8 та лойиҳа тўлиқ қувватда ишга туширилган.

Жиззах вилоятида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун 76 минг гектар майдонга экинлар экилиб, 10 трлн. сўмлик маҳсулот етиштирилган. Фалла ва эртаги экинлардан бўшаган 83 минг гектар майдонга такрорий экинлар экилиб, 28 мингга яқин аҳолига, жумладан, фермер хўжалиги аъзолари, ижтимоий дафтарларга киритилган ва ишсиз ёшларга ажратиб берилган.

Йил якунига қадар такрорий экинлардан 945 минг тонна ёки 2,8 трлн. сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш режалаштирилган бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга 69 та экспортёр-тадбиркор, қайта ишлаш ҳамда томорқа хизмати корхоналари бириктирилган. Шунингдек, етиштирилган ҳосилни қаролатили харид қилишнинг самарали тизими йўлга қўйилган.

Наманган вилоятида озиқ-овқат соҳасида лойиҳалари доирасида қиймати 11,4 млрд. сўмлик 7 та лойиҳа ишга туширилгани натижасида жорий йилнинг январь — июнь ойларида 46,3 млн. долларлик мева-сабзавот ва озиқ-

«Халқ сўзи».

Учрашув

Ёшларимизда дахлдорлик ҳиссини ошириш муҳим

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси Қутбиддин Бурхонов Ички ишлар Академиясида таълим муассасасининг раҳбар-ҳодимлари, профессор-ўқитувчилари, магистратура босқичида таълим олаётган мутахассислар билан учрашув ўтказди.

Унда янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида сўз борди. Хусусан, жамият ҳаётининг барча жабҳасида ўзгаришлар рўй бераётгани, халқимиз онгида янги дунёқараш шаклланаётгани ва уларда бўлаётган янгиликларга дахлдорлик ҳисси тобора ортиб бораётгани қайд этилди.

Ўз навбатида, юртимиз ҳаётида туб бурилиш ясаган

«Маҳалла еттилиги» фаолияти ўрганилди

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Толибжон Мадумаров ҳамда Ахборот сиёсати ва давлат органларида очқиликни таъминлаш масалалари кўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Махмуджон Партиев Наманган вилоятида «маҳалла еттилиги» фаолияти билан яқиндан танишди.

Дастлаб, улар вилоятнинг «Бўзўлмас» маҳалла фуқаролар йиғинига ташриф буюриб, худуддаги янгиликлар билан танишди.

Маҳалла раиси, ҳоким ёрдამчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, маҳалла оқсоқоллари билан суҳбат асносида Президентимиз томонидан яратиб берилган қулайлик ва ўзгаришларни аҳоли ўз ҳаётида ҳис қилиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, сенаторлар худудларда аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромад манбаини шакллантириш ҳамда турмуш фаровонлигини яхшилашга йўналтирилган «Мурожаатдан — даромадга» лойи-

конституциявий ислохотлар, янгиланган Конституция-миздаги устувор тамойиллар мазмун-моҳияти ва пировард мақсади, қонун ижодкорлиги соҳасидаги янгиликлар ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Қолаверса, бу ислохотларга юртдошларимиз, айниқса, ёшларимизнинг дахлдорлик ҳиссини янада мустақамлаш мақсадида таълим ва тарбияга катта эътибор қаратиш кераклиги ҳам ургуланди.

ҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда қатнашди. Унда туман Халқ қабулхонасига қилинган мурожаатлар асосида аҳолига 13 та тивув машинаси, маиший техникалар ҳамда 1 та гўзаллик салони учун жиҳозлар топширилди.

Сенаторлар туман маҳаллаларида рўёбга чиқарилаётган ишлар билан танишиш мақсадида Сирмоқ маҳалласида ҳам бўлди. Бу ерда «маҳалла еттилиги» фаолияти билан танишилди ва амалга оширилаётган ишлар, кўрсатилётган хизматлар ҳусусида аҳоли билан мулоқот бўлиб ўтди.

«Халқ сўзи».

Семинар

Болаларга нафақа ва моддий ёрдам тўлаш мезонларини такомиллаштириш зарур

Олий Мажлис Сенатида бўлиб ўтган «Кам таъминланган оилаларга болалар нафақалари ва моддий ёрдам тўлаш мезонларини ва манзиллилигини такомиллаштириш» мавзусидаги семинарда айни шу масала таҳлил қилинди.

Унда сенаторлар, вазирилик ва идоралар мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Семинарда кам таъминланган оилаларга болалар нафақалари ва моддий ёрдам тўлаш механизми ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида болалар нафақалари ва моддий ёрдам тўлаш бўйича ташкил этилган «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими қулайликлари, шунингдек, ушбу йўналишда мавжуд муаммо ва камчиликлар юзасидан фикр алмашилди.

Айтилганидек, тизимга илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш орқали инсон омилни бартараф этиш мақсадида ва хорижий компания-

ни ёллаган ҳолда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими ишлаб чиқилди. У 2019 йилда Сирдарё вилоятида синовдан ўтказилиб, 2020 йил якунига қадар босқичма-босқич республиканинг барча худудига жорий қилинди.

Бугунги кунда нафақа тайинлаш ёки рад этиш жараёнида инсон омили тўлиқ бартараф қилиниб, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимига 16 та вазирилик ва идоранинг ахборот тизимларидан 56 турдаги маълумотлар электрон тарзда олинмоқда.

Тадбирда сўнгги беш йилда мамлакатимизда ижтимоий нафақа олаувчи оилалар сони 5,1 баробар ошгани ва ҳозирда 1,2 миллиондан ортиқ оилаларга йилга 10,3 триллион сўм нафақа тўлаб келинаётгани таъкидланди.

«Халқ сўзи».

Анжуман

ХАЛҚАРО МУЛОҚОТ МАЙДОНИГА АЙЛАНГАН САММИТ

25-26 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки Бошқарувчилари кенгашининг IX йиллик йиғилиши бўлиб ўтди. Саммитда Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро ташкилотлар раҳбарлари, 100 дан ортиқ мамлакатлардан юқори даражали делегациялар, етакчи хорижий компанияларнинг бошқарувчилари ва нуфузли экспертлар иштирок этди.

«Барча учун барқарор инфратузилма яратиш» мавзусида ўтказилган йиғилиш доирасида икки кун давомида глобал иқтисодиёт ва молия соҳаларидаги долзарб масалалар, Осиё ва дунёнинг бошқа минтақаларида инфратузилмани ривожлантиришнинг стратегик дастур ва режалари муҳокама қилинди. Молиялаштиришдаги инновациялар, иқлим ўзгаришига мослашув ва барқарор ривожланиш ҳамда инфратузилма лойиҳаларининг рақамли трансформациясига бағишланган 25 дан ортиқ панель муҳокамалари бўлиб ўтди.

Шунингдек, ОИИБ Бошқарувчилари иштирокидаги давра суҳбати, Бошқарувчилар кенгашининг расмий сессияси, жамоатчилик ҳамда фуқаролик жамияти билан ҳамкорликка оид қатор тадбирлар ўтказилди.

Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки Бошқарувчилари кенгашининг IX йиллик йиғилиши иштирокчилар, ҳамкор институтлар, бизнес етакчилари, фуқаролик жамияти вакиллари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш учун муҳим платформа вазифасини ўтади.

26 сентябрь куни Самарқанд саммити доирасида панель сессиялар ҳамда ресурсларни сафарбар қилиш бўйича халқаро форум бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, санаот ва савдо вазири Лазиз Кудратов сўзга чиқиб, ОИИБ йиллик йиғилишининг Буюк Ипак йўлида муҳим ўринни эгаллаган, тарихан Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни бевосита бугун бўлиб хизмат қилган Самарқандда ўтказилишида рамзий маъно борлигини таъкидлади.

Вазир 2030 йилга бориб иқтисодиётнинг 85 фоизи хусусий сектор томонидан яратилишига эришиш, энергиянинг 40 фоизи қайта тикланадиган манбалар ҳисобидан ишлаб чиқарилишини таъминлаш ҳамда ўртадан юқори даромадли мамлакат макюмига эга бўлиш каби «Ўзбекистон — 2030» стратегияси мақсадларини қайд этди. Мехнат натижалдорлигини икки баробар ошириш, экспорт ҳажмини 45 миллиард долларга етказиш бўйича ишлар олиб борилаётганига ҳам тўхтади.

Йиғилишда Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки раҳбари Цзинь Лицзюнь, Жаҳон банки гуруҳи бошқарувчи директори ва бош маъмурий директор Вейкай Чжан, йирик халқаро инвесторлар ва экспертлар сўзга чиқди.

Тадбирнинг «Ресурсларни сафарбар қилиш бўйича халқаро форум» деб номланган иккинчи қисми халқаро донорлар ва инвестиция фондлари билан ҳамкорликнинг устувор йўналишларининг амалий жиҳатларини муҳокама қилишга бағишланди. Халқаро экспертлар, нуфузли молия муассасалари ҳамда мамлакатимиз ҳамкорларининг Ўзбекистонда сармоявий шериклини ривожлантириш ва лойиҳаларни амалга оширишнинг энг истиқболли йўналишлари бўйича фикр-мулоҳазалари тингланди.

Осиё инфратузилмавий инвестициялар банкининг Самарқанд саммити — янги Ўзбекистон муҳим глобал ва минтақавий масалаларни муҳокама қилиш, уларга самарали ечимлар топиш учун халқаро мулоқот майдонига айланиб бораётганининг ёрқин намунаси бўлди.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

Беш йиллик фаолият:

ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ҚОНУНИЙ КАФОЛАТ

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, одамларда тиббий саводхонликни юксалтириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан саналади. Айниқса, бугунги кунда ушбу соҳани сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, унинг ҳуқуқий базасини мустақамлашга қаратилган кўпмлли ислохотлар фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратмоқда.

Таҳлил

Шу нуқтаи назардан айтганда, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида тузилган Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари кўмитаси 2020 — 2024 йиллар давомидаги фаолиятида аҳоли саломатлигини мустақамлаш ва тиббиёт тизимини ривожлантириш, бу борадаги саяё-ҳаракатлар, чора-тадбирларни янада чуқурлаштириш ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга алоҳида аҳамият қаратди.



Кўмита қонун ижодкорлиги йўналишида 16 та қонун лойиҳаси учун масъул бўлди ва уларнинг барчаси қабул қилинди. Жумладан, кўмита масъулигида ёш авлоднинг соғлиғи ҳамда келажига салбий таъсир кўрсатувчи дори воситаларининг нотиббий мақсадларда қўлланилишининг олдини олиш мақсадида Жиноят ҳамда Мазъурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга кучли таъсир этувчи дори воситаларини рецептсиз берилгани ва бериш тартибини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни кўзда тутовчи ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди. Шу билан бирга, кам учрайдиган (орфан) касалликлар ташхиси ва уларни даволашда қўлланиладиган дори воситалари ҳамда тиббий буюмларни, эпидемиологик ҳолатлар юзга келганда эса хавфли юқумли касалликларни профилактика қилиш, ташхислаш ва даволаш учун зарур бўладиган дори воситалари ҳамда тиббий буюмларни мамлакатимизга давлат рўйхатидан ўтказмасдан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буюртмаси асосида олиб килинишига рўхсат бериш мақсадида «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунга тегиш-

ли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди. Пандемия пайтида мазкур Қонун фуқароларимиз ҳаёти ва соғлиғини сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этди.

Биламизки, бутун дунёда инсон аъзолари ва тўқималари донорлиги ҳамда уларни кўчириб ўтказиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Юртимизда бу борадаги қонунчилик асосларини мустақамлаш мақсадида «Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Қўмита мазкур қонун лойиҳасини маромига етказиш жараёнида Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари, қўй палата ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институти ҳамда бир қатор тиббиёт марказлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон мусулмонлар идораси ва бошқа идора ҳамда ташкилотларнинг тақлиф ва мулоҳазаларини инобатга олди. Мазкур Қонун юртимизда инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантациясини қайта йўлга қўйиш ҳамда ривожлантириш орқали фуқароларимизнинг соғлиғи ва

ҳаётини сақлаб қолишга хизмат қилмоқда.

Яна бир аҳамиятли жиҳат, мамлакатимизда психиатрия ёрдამининг барча йўналиши бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, жумладан, иштиёрий ва мажбурий психиатрия ёрдამини кўрсатиш, соҳада манфаатдор вазирилик ва идораларнинг ҳамкорлигини таъминлаш, фуқароларга психиатрия ёрдამини кўрсатишда уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, психиатрия ёрдामी кўрсатишда тиббиёт ҳодимлари ва бошқа мутахассисларнинг ҳимоясини таъминлаш мақсадида «Психиатрия ёрдामी тўғрисида»ги Қонун янги тахрирда қабул қилинди.

Шу билан бирга, «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Қонун ҳам кўмита масъулигида қабул қилинди. Бу билан алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилиниши чеклашга доир фаолиятнинг тартибга солиш механизмлари такомиллаштирилди.

Шу ўринда, ўтган беш йил давоми-

да кўмитамиз аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан ҳам самарали фойдаланилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Жумладан, «Санитария-эпидемиология хизмати такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги, «Аҳолига психологик ёрдამ кўрсатиш тўғрисида»ги, халқ таъбиоти соҳасидаги фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш, шунингдек, хизматларни

нинг ўз вақтида ижро этилиш ҳолатини ўрганиш ва унинг якунлари бўйича масъулларнинг ахборотини кўмита йиғилишида эшитиб боришга алоҳида эътибор қаратди.

Хусусан, ўтган даврда кўмита томонидан назорат-таҳлил фаолияти доирасида 63 та тадбир ўтказилди. Улардан 20 таси давлат органи раҳбарининг ахборотини эшитиш, 32 таси қонун ҳужжатларининг ижро этилиш ҳолатини ўрганиш, 11 таси Олий Мажлис палаталари қарорларининг ижросини мониторинг қилишга тааллуқли-

дир. Жумладан, палата мажлисида Соғлиқни сақлаш вазирининг «Мамлакатимизда аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдामी кўрсатишининг ҳолати ва истиқболли тўғрисида»ги, «Мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар орасидаги касалликлар профилактикаси ҳамда уларни даволаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги истиқболли режалар тўғрисида»ги ахборотлари эшитилди. Қиёслаш учун айтадиган бўлсак, 2015 — 2019 йилларда кўмита томонидан давлат органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш ва қонун ҳужжатларининг ижро этилиши

ҳолатини ўрганишга доир 29 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилган.

Шунингдек, назорат-таҳлил тадбирлари ҳамда ўрганишлар якунидан келиб чиқиб, кўмита ташаббуси билан давлат органларининг мансабдор шахсларига 5 та парламент сўрови юборилди. Бундан ташқари, кўмита аъзолари томонидан мансабдор шахсларга сайловларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан жами 82 та депутат сўрови юборилди. Таҳлил этадиган бўлсак, 2015 — 2019 йилларда 32 та депутат сўрови юборилган.

Аёнки, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш жойлардаги мавжуд муаммоларни бартараф этишда муҳим омили саналади. Шу боис кўмита аъзолари саноий ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ўрганиш ҳамда уларни ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратди. Чунки, ўтган даврда 2 145 та мурожаат белгиланган тартибда кўриб чиқилди. Улардан 973 тасига ижобий ечим топилиб, қолганлари бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Ушбу кўрсаткични қиёслайдиган бўлсак, 2015 — 2019 йилларда кўмита томонидан 889 та мурожаат кўриб чиқилган эди.

Ўтган даврда кўмитамиз фаолияти сермаҳсул, самарали бўлди. Чунки депутатларимиз ҳар бир масалага юксак масъулият ва дахлдорлик ҳисси билан ёндашди. Бу, ўз навбатида, қабул қилинган ҳужжатларимизда чуқур акс этди ва фуқароларни қийнаб келмаётган масалаларга ҳуқуқий ечим бўлди. Мақсадимиз мамлакатимиз янада гуллаб-яшнаши, равнақ топишига эришиш экан, бунда амалга оширилаётган кенг қуламли ислохотлар, қабул қилинаётган қонунлар мустақам асос бўлиб хизмат қилади.

Елена БОРИСОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари кўмитаси раиси.



## ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ДАСТУР

## Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастури ҳақида



Бугун дунё микёсида бир тенденция қарор топмоқда. Бу ижтимоий сиёсат ҳар бир давлат ривожланиши ва бошқарувининг, таъбир жоиз бўлса, таянч устунига айланаётганидир. Дарҳақиқат, жамиятдаги турли шахслар ҳамда гуруҳлар ўртасидаги тенгликни тартибга солишда, ижтимоий адолат ва ижтимоий мувозанатни таъминлашда унинг ўрни бекиёти.

Ижтимоий адолат ҳукмрон бўлган давлат барпо этишни ўзининг энг олий мақсади, деб билган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида илгари сурилаётган гоё ва ташаббуслар айнан шу мақсадга қаратилган.

Сайловолди дастурида партиясининг сиёсий майдондаги сўл позициясига ҳос ва мос равишда ижтимоий-демократик гоёлари ифодаловчи вазибаларга алоҳида устуворлик берилган.

Бу йилги Сайловолди дастуридан 10 та йўналишда 15 та стратегик қадамдан иборат устувор мақсадлар ўрин олган.

**Биринчи йўналиш. Ижтимоий барқарорлиқнинг таянчи бўлган кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишга интиламиз!**

Ушбу йўналишда ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат таъминлаши асосида муносиб яшаш шароитини яратиш, ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш, камбағалликни қисқартириш, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи билан таъминлаш бўйича самарали сиёсатни амалга ошириш мақсад қилганмиз. Шу боис давлат аҳоли манфаатларини тўлақонли таъминлаш мақсадида кучли ижтимоий сиёсат юритиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Мазкур йўналишдаги ташаббуслар 3 та стратегик қадамда ўз ифодасини топади.

**1-қадам. Ҳар бир шахснинг Конституция билан кафолатланган ижтимоий ҳуқуқларининг адолатли ва самарали амалга оширилишини таъминлаш.**

Аввало, парламентдаги фракция-миз ижтимоий таъминот ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янги нормалар билан тўлдириш орқали Ижтимоий кодексни қабул қилишни мақсад қилган.

Давлат ўз фуқаролари учун гамхўрлик қилиши керак. Шу мақсадда имтиёзга эга бўлган фуқаролардан ташқари бошқа оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган фуқаролар тоифаларини ва уларга кўрсатиладиган ёрдам турларини қонунчиликда аниқ белгилаш лозим. Давлат унга гамхўр эканлигини англаган фуқаро давлатдан рози, зарур бўлса, унга фидойилик кўрсатишга ҳам тайёр бўлади. Бу давлат ва фуқаро ўртасидаги ўзаро ишончини мустаҳкамлайди.

Шунингдек, биринчи қадамда ҳар бир инсоннинг бирламчи ҳаётий эҳтиёжларига етадиган энг кам истеъмол харажатларини қонун даражасида белгилаш мақсадида “Энг кам истеъмол харажатларини белгилаш тартиби тўғрисида”-ги қонунни қабул қилиш назарда тутилган.

**2-қадамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг талаб ва эҳтиёжлари, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи ўрин олган.**

Бунинг учун миллий қонунчилик БМТнинг Ногиронлар учун тенг имкониятларни таъминлаш бўйича стандарт қоидаларига тўлиқ мувофиқлаштиришга эришмоқчимиз.

Жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар учун объектлар ва хизматларнинг қўлайлиги бўйича миллий стандартларни ишлаб чиқиш ҳамда “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуннинг алоҳида қисми сифатида қонун даражасида мустаҳкамлаш белгиланган. Қолаверса, темир йўл вокзаллари, аэропорт ва шохбекатларда кўзи оғирлар учун электрон аҳборот эшитиш мосламаларини, светофор ва махсус йўлакларда ногиронлиги бўлган шахсларни оғохлантирувчи овозли электрон жиҳозларни ўрнатиш ҳам мақсад қилинган.

**3-қадамда давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш назарда тутилган.**

Мазкур йўналишда бир қатор ҳаётий заруратга айланиб бораётган ташаббуслар ўрин олган. Бунда аёлларга пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига боласи

**3 ёшга тўлгунча уни парвариш-лаш таътилларида бўлиш вақтинчи тўлиқ кўшиб ҳисоблаш керак, деб биламиз.**

Эр ёки хотини вафот этганда ҳамда вафот этган шахс кўпроқ пенсия олган тақдирда, ушбу пенсияни унинг ҳаёт бўлган турмуш ўртоғига ўтказиб бериш (пенсияни алмаштириш) тартибини жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Биз фуқароларнинг жамғариб борилаётган пенсия маблағларини бошқариш, уларни доимий равишда онлайн тарзда кузатиш, банкка депозитга қўйиш орқали кўпайтириб бериш имкониятини бериш керак, деб ҳисоблаймиз. Жамғариб борилаётган маблағларни бошқариш тизимини йўлга қўйиш ва унда бевосита пенсионернинг

Ушбу қонун билан кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифадаги фуқаролар учун субсидиялар ёки имтиёзлар механизмларини яратиш имконияти биз учун муҳимдир.

Бундан ташқари, фуқаро коммунал хизматлардан асоссиз ёки таъминотчининг айби билан узилган тақдирда таъминотчи томонидан фуқарога компенсация тўлаш тизимини жорий этиш каби ташаббуслар ўрин олган.

Сайловолди дастурининг учинчи йўналиши шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларининг хавфсизлиги ва экологик барқарорлигини таъминлашга қаратилган. Бунда партия шаҳарлар ва аҳоли

тиббий суғурта тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш зарур, деб ҳисоблайди.

Тиббиёт соҳасида суғурта тизимининг тўлиқ йўлга қўйилиши соҳага ажратилаётган маблағлар доирасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами улуши, аҳолининг ижтимоий заиф тоифалари вакилларининг сифатли тиббий хизмат билан таъминланганлик даражасини оширишга, бу борада очиқлик ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, кексалар ва онкологик касаллар учун сифатли хизмат кўрсатишнинг юқори стандартларини таъминлашга қаратилган хоспис тизимини ривожлантириш ва “Хоспис хизматини кўрсатиш тўғрисида”ги қонун

ИЖТИМОЙ  
Давлат  
УЧУН!

ўзи иштирок этиши тарафдоримиз. Бундан ташқари, пенсияга чиқиб, камда беш йил ишлаб, даромад солиғи ва ижтимоий солиқни тўлаган пенсионерлар учун муқаддам тайинланган пенсияни қайта ҳисоблаб, оширилган миқдорда тайинлаш имкониятини бериш ва пенсия ёшини ўзгартирмасдан сақлаб қолиш бўйича юритилаётган сиёсатни давом эттириш тарафдоримиз.

**Иккинчи йўналишда аҳолининг арзон уй-жой ва сифатли коммунал хизматларини таъминлаш билан боғлиқ ташаббуслар ўрин олган.**

Бунда ХДП фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган ҳар қилган уй-жой бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, бунинг учун арзон уй-жой қурилишини кенгайтиришга қатъий ҳаракат қилади.

Мазкур йўналишдаги ташаббуслар иккита қадамда ўз ифодасини топади. Хусусан, 4-қадамда аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш ҳамда қурилиш соҳасида самарали назорат ўрнатиш кўзда тутилган.

Биз “Ижтимоий тураржойлар тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш мақсад қилганмиз. Унда уй-жой-сиз, яшаш шароити ўта оғир, ногиронлиги бўлган ёки оила аъзолари орасида ногиронлиги мавжуд аёллар, оилавий болалар уйлари битирувчилари учун ижтимоий тураржойлар қуриш назарда тутилади.

**5-қадамда** юқоридаги ташаббусларнинг мантиқий давоми сифатида аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш даражасини оширишга ургу қаратилган.

Коммунал хизматларнинг сифатли ва ўз вақтида бўлиши аҳоли ҳаёт тарзини осонлаштиради. Биз коммунал хизматлар ва уй-жой фондидан фойдаланиш бўйича хизматлар нархи ва тарифларни белгилашни тартибга солиш мақсадида “Коммунал хизматлар нархлари ва тарифларни тартибга солиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилишни режалаштирдик.

пунктларининг тарихий қиёфасини сақлаш, табиий ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича ўз саъй-ҳаракатларини кучайтиришни мақсад қилган.

**6-қадамда** Ўзбекистонни хавфсиз ва экологик барқарор ҳудудга айлантириш йўлидаги ташаббуслар ўрин олган.

Партия мазкур қадамда давлат йўл хўжаликлари тизимини йўлга қўйиш, уларга нисбатан давлат ўрмон хўжалиқларига қўлланмайдиган ер ва солиқ имтиёзларини қўллаш, бунда ушбу имтиёзлар ҳисобидан иқтисод қилинадиган маблағларни йўлларни тиклаш, деградациядан қиқариш, яёлов ўсимликлари уруғчилиги майдонларини кенгайтириш тадбирларига сарфлаш масалаларига эътибор қаратган.

Ушбу йўналишда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларини сиз билан биргаликда шаҳар ҳудудларида ёмғир сувлари тошишининг олдини олиш мақсадида дренаж тизимини қайта қўриб чиқиш, электр жамоат транспорт воситалари улушини кўпайтириш, бепул электр қувватлаш станцияларини ташкил этиш учун фаол иш олиб боришни мақсад қилганмиз.

Сайловолди дастурининг тўртинчи йўналишида барча учун малакали тиббий хизмат имкониятларини яратиш бўйича ташаббуслар ўрин олган. Хусусан, шу йўналишдан ўрин олган **7-қадамда** малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш кўзда тутилган.

Партияимиз тиббий суғуртани жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида “Давлат

лойиҳасини ишлаб чиқиш каби ташаббуслар илгари сурилмоқда.

**8-қадамда** фармацевтика соҳасида давлат назоратини кучайтириш, дори-дармон ва протезлаш воситалари ҳамда бошқа тиббий-ижтимоий хизматлар нархларини тартибга солишга қаратилган гоёлар мужассамлашган.

Биз бунда дори ва тиббий бўюмларнинг нархлари бўйича чекловларни белгилаш юзасидан “Дори-дармонлар ва тиббий воситалар нархларини давлат томонидан тартибга солиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш муҳимлигига эътибор қаратганмиз. Ишонимизки, дори-дармон ва тиббий воситаларнинг нархлари давлат томонидан тартибга солиниши аҳолини орқича ташвишлардан халос этади.

Мазкур қадамда биз замонавий тиббиёт ва халқ таъбиотини қўшган ҳолда даволаш стандартлари (протоколлари)ни жорий этиш орқали дорида қарамликни камайтириш ташаббусини ҳам илгари сурамиз.

Дастуриимиздаги **9-қадам спорт ва маданиятни қўллаб-қувватлаш ва оммалаштиришга қаратилган.**

Партияимиз аҳолини спортга оммавий жалб қилишни соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим қисми, деб ҳисоблайди. Лекин жамиятда ҳамма ҳам профессионал спортчи бўлиб кетавермайди. Ҳар қандай касб эгаси истаган вақтда спорт билан шуғулланиши учун шароит яратилиши керак. Бу йўлда биз “workout” тизимини оммалаштириш аҳолининг спорт билан бепул шуғулланишлари учун ажайиб ечим, деб ҳисоблаймиз.

Сайловолди дастурининг **бе-шинчи йўналиши ёшларнинг сифатли таълим олишига қаратилган.**

Қайд этиш керак, ёшларга сифатли таълим берилиши мамлакат интеллектуал салоҳиятини юксалтириш кафолатидир!

Биз **10-қадамда** фуқаролар барча таълим муассасаларида сифатли мактабгача, ўрта, олий таълим, шунингдек, касбий таълим олиши, малакасини ошириш учун тенг имкониятлар яратишга эришмоқчимиз.

Биринчи навбатда, “Ягона ижтимоий реестр”да рўйхатга олинган оила фарзандларини давлат мактабгача таълим ташкилотларига тўланадиган тўловдан озод қилишни назарда тутишимиз.

Мактабларда овқатлантириш тизими устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, зарарли озиқ-овқат маҳсулотларини сотишнинг олдини олиш ва бошланғич синфларда ўқувчилар сонини 20 нафардан оширмастик, катта синфларда эса 24 тагача ўқувчи ўқитиш тизимини яратиш тарафдоримиз.

Биз мактаблар ўқув дастурларида чет тиллар ва IT бўйича ўқув соатларини кескин кўпайтириш керак, деб ҳисоблаймиз.

Дастуриимизнинг **олтинчи йўналиши** Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти — кучли ижтимоий сиёсатнинг асосидир, деб номланади.

Ундаги **11-қадамда** иқтисодиёт-да давлатнинг фаол роли ва иштирокини сақлаб қолиш, камбағалликни қисқартириш, солиқ қонунчилигини такомиллаштириш ҳамда банк-кредит соҳасини ривожлантириш бўйича тақлифлар ўрин олган.

Партияимиз стратегик аҳамиятга эга компаниялар устидан давлат назоратини сақлаб қолиш, уларни хусусийлаштиришни қонун даражасида тақиқлаш тарафдори. Бунга сабаб энергетика, транспорт ва мудофаа саноати каби стратегик муҳим соҳалар миллий хавфсизликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Дастуриимизда вазирилик ва идоралар томонидан давлат хизматларини кўрсатиш ёки жарима солиш натижасида тушадиган барча тушумларни тўлиғича Давлат бюджетига йўналтириш кўзда тутилган.

Дастуриимиздаги **еттинчи йўналиш** товар ва хизматлар нархларининг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш — манзилли ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналиши, деб номланган. Партияимиз ижтимоий аҳамиятга эга товар ва хизматларнинг нархларини шакллантириш устидан давлат ва жамоатчилик назоратини қатъий ўрнатиш лозим, деб ҳисоблайди.

**12-қадамда** эҳтиёжманд аҳоли қатламларининг қўлқон зарур товар ва хизматлардан фойдаланишини таъминлаш масаласига эътибор қаратилган.

Кам таъминланган аҳоли қатлами учун қўлқон зарур товар ва маҳсулотларини арзон нархларда сотиш бўйича **ижтимоий дўқонлар тармоғини** ривожлантиришни кўзда тутишимиз.

Партияимиз ипотека кредити тўлови бўйича қарздорлик юзга келган қимматли сабабли гаровга қўйилган қўлқон мулкни аукционда сотишдан олдин кредит олган шахсга уч ой муддатда ушбу қўлқон мулкни уч томонлама олди-сотди шартномаси асосида ўзига қўлай нархда сотиш имконини бериш керак, деб ҳисоблайди.

Сайловолди дастурининг **саққизинчи йўналишини** тўлиқ қамраб олган **13-қадамда** партия очик, шаффоф, халқчил ва демократик давлат бошқаруви тизимини жорий этиш тарафдори эканлиги ифодаланган.

Унда парламентдаги фракцияимиз аҳолининг ижтимоий кайфиятига таъсир кўрсатувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг мажбурий жамоатчилик муҳокама-

си ва экспертизаси механизмни яратишни кўзлагани айтилган.

Партия ушбу йўналишда “Менинг фикрим” платформасини такомиллаштириш орқали фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, партияимиз давлат бошқарувида юқори профессионализмни таъминлаш мақсадида қонун даражасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбари лавозимига фақатгина шу соҳада камда ўн йиллик иш стажига эга бўлган малакали мутахассисларни тавсия этиш бўйича талабни белгилаш учун ҳаракат қилади.

Ижро ҳокимияти томонидан муҳим ижтимоий қарорлар қабул қилишда сиёсий партиялар фракциялари ва жойлардаги партия гуруҳлари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш институтини жорий этиш, давлатнинг айрим функцияларини босқичма-босқич фуқаролик жамияти институтларига ўтказиш, сиёсий партиялар, депутатлик бирлашмалари ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш каби тақлифлар ҳам ушбу йўналишда ўз ифодасини топади.

Дастуриимизнинг **тўққизинчи йўналиши**да қонун устуворлиги, ижтимоий тенглик ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш, фуқаролар ҳамжиҳатлиги ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича вазибалар акс этган.

Партияимиз қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш асосида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича суд механизмларининг мақбуллигини таъминлаш учун қатъий ҳаракат қилади. Жумладан, **14-қадамда** суд механизмларининг мақбуллигини таъминлаш, қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва имкониятлар тенглигига қатъий амал қилишга қаратилган ташаббуслар ўрин олган.

Биз йўналишда биринчи галда одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари ўрнига ҳакамлар ҳайъати институтини жорий қилиш керак, деб ҳисоблаймиз. Мазкур институтнинг жорий этилиши демократик тамойилларни мустаҳкамлашга, суд жараёнларининг холислиги ва адолатчилигини оширишга, коррупция хавфини камайтиришга ва фуқароларнинг суд тизимига бўлган ишончини янада оширишга ёрдам беради.

Шунингдек, соҳавий назорат органлари (инспекция)нинг мустақиллиги ва мақомини кучайтириш, уларга республика ижро этувчи ҳокимият органларининг таъсирини камайтиришни мақсад қилганмиз. Бу ташаббус давлат назорати холислиги, шаффофлиги ва самардорлигини таъминлашда муҳим қадам ҳисобланади.

Бундан ташқари, ушбу қадамдан Давлат бюджети ҳисобидан қимматбахо совғалар ҳада қилишни тақиқлаш, **Давлат бюджет** маблағларини самарасиз ҳамда мақсадсиз ишлатилган учун жавобгарликни кучайтириш ва яна бошқа кўплаб ташаббуслар ўрин олган.

Дастурдаги сўнги, **ўнинчи йўналишда** миллий манфаатларга асосланган очик, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсатни изчил давом эттириш билан боғлиқ гоёлар мужассамлашган.

Ундаги **15-қадамда** Ўзбекистоннинг халқро мавқени мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатдорлик ва тенг ҳуқуқчилик асосида ҳамкорлик ва шерикликни фаол ривожлантириш назарда тутилган. Хусусан, минтақавий барқарор ижтимоий ривожланиш, муқобил энергетика ва замонавий тиббиёт соҳаларида инновацион дастурлар ҳамда лойиҳаларни халқаро ҳамкорлар билан биргаликда амалга оширишни мақсад қилган.

Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастури билан танишган ҳар бир сайловчи унинг кенг аҳоли қатлами вакилларини манфаатларини акс эттиргани, гоё ва ташаббуслар том маънода вақт синовидан ўтган чуқур асосга эгаллиги, партиянинг пировард мақсади халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлаш эканлигига тўлиқ амин бўлади.

Халқ демократик партияси ва депутатликка номзодларига овоз бериң!

Фирдавс ШАРИПОВ,  
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари.

### ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

#### Ажиниёз ҳаёти ва ижодига бағишланган кўргазма

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида атоқли қорақалпоқ шоири ва мутафаккири Ажиниёз Кўсбой ўғли таваллудининг 200 йиллиги, ҳаёти ҳамда ижодига бағишланган китоблар, тасвирий санъат асарлари ва халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси очилди.

Президентимизнинг шу йил 16 июлдаги "Атоқли қорақалпоқ шоири ва мутафаккири Ажиниёз Кўсбой ўғли таваллудининг 200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган ушбу тадбирнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Бадий академияси раиси Акмал Нур ва бошқалар мазкур кўргазманинг аҳамияти хусусида сўз юритди.

#### «Энг яхши миллий контент» танлови ғолиблари аниқланди

Пойтахтимизда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан интернет нашрлари журналистлари ҳамда ижтимоий тармоқ фаоллари (блогерлар) учун эълон қилинган "Энг яхши миллий контент" республика танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди.

Интернет журналистикаси ва блогерлик фаолияти бўйича ўтказилган ушбу танловда 100 нафарга яқин интернет нашрлари журналистлари ҳамда ижтимоий тармоқ фаоллари — блогерлар ўз ижодий ишларини, блог-постларини электрон шаклда тақдим этишди. Тадбирда танлов ғолиблари диплом ва сертификатлар билан тақдирланди.

«Халқ сўзи».

## ЗАМОНАВИЙ БИЛИМЛАР ВА ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ МАСКАНИ

### Чирокчи туманида академик Қаландар Абдурахмоновнинг «Инсон капитали ва сунъий интеллект» илмий мактаби ўз фаолиятини бошлади

Айни кунларда Қашқадарё вилоятининг Чирокчи туманида яшайдиган аҳоли, айниқса, ёшлар ажабли билан янгиликдан бохабар бўлди, секингина севинч қўшилди. Гап шундаки, тумандаги 1-умумтаълим мактаби ҳузурда айни шу таълим даргоҳида ўқиб, камол топган Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Қаландар Абдурахмоновнинг навқирон авлодга замонавий билимлар ва янги дунёқараш асосида таълим-тарбия берадиган "Инсон капитали ва сунъий интеллект" илмий мактаби очилди.

асалари ўқитувчи ва ўқувчилари режа асосида тақдир қилиш ҳам мўлжалланган. Шунингдек, илмий мактаб вилоятда фаолият олиб бораётган олийгоҳлар раҳбарлари, олимлар, ҳудудлар раҳбарлари билан ҳар ойда илмий, амалий тадбирлар ўтказиб

оширишни режалаштирган ишлари ҳам диққатга сазовор. Яъни яқин йилларда мактабда инсон капитали ва унинг иқтисодийдаги аҳамияти ҳақида махсус курслар ёки кўшимча машғулотлар ташкил этилади, билим талабгорлари сунъий интеллектни амалда қўллашни ўрганиши учун компьютер лабораториялари иш бошлайди. Робототехника, кодлаш ва алгоритмлар тузиш бўйича амалий машғулотлар ўтказилади. Турли онлайн платформаларда амалий дастурлаш, маълумотлар таҳлили ва сунъий интеллект бўйича курслар очилади.

Айни чоғда мактабда ўқитувчилар тажрибасини ошириш, билимини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, уларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун илмий-амалий тадбирлар ташкил этилади, инсон капитали ва сунъий интеллект мавзулари бўйича қайта тайёрлаш курслари ўтказилади, халқаро тажриба алмашиш дастурларига жалб этилади. Шунингдек, келажакда халқаро ўқув ташкилотлари ва илмий марказлар билан ҳамкорлик ўрнатиш, ўқувчиларни ана шундай учрашувларга тайёрлаш, сунъий интеллект соҳасидаги замонавий ишланмаларни мактабларда синовдан ўтказиш учун халқаро грантлар ва дастурлардан унумли фойдаланиш режалаштирилган.

Тантанали очилиш маросимида бир қатор ташкилот ва идоралар раҳбарлари, олимлар "ZOOM" платформаси орқали табрик йўллашди. Тадбир якунида янграган қуй-қўшиқлар даврара ўзгача файз бағишлади.

**Акрам ҲОШИМОВ,**  
Иқтисодий фанлари доктори, профессор.

### Таълим

Ушбу таълим муассасасининг очилиш маросимида вилоят ҳокими М. Азимов, идора ва ташкилот раҳбарлари, олимлар, ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналар, кенг жамоатчилик вакиллари жам бўлди.

Дастлаб мактабга саёҳат уюштирилди, қатнашчилар янги таълим даргоҳининг ўзига хос қиёфаси ва имкониятлари билан танишди. Шундан сўнг тантанали тадбирда сўзга чиққанлар, аввало, академикни бу хайрли ишга қўл ургани билан қутлашди, мактабнинг ўқувчилар ҳаётидаги аҳамияти, унинг фаолияти келажакдаги жамият тараққиётига сезиларли улуш қўша олиши ҳақида сўз юритди.

— Ушбу маскан ташкил этилишидан асосий мақсад чирокчиликлар, бу ердаги билим олишга иштиёқманд ўқувчи ва ўқитувчиларга иқтисодий соҳасида инсон капитали ва сунъий интеллектни жорий қилишда қўмаклашиш, — деди олимнинг шогирди, профессор Баҳодир Умурзоқов. — Шунингдек, ушбу мактаб ёшларимизнинг илмий йўналишдаги билимларини ошириш, келажакдаги касб танловини шакллантириш, замонавий иқтисодий билимларни етказишга йўналтирилган амалий ва илмий тадқиқот ишларини олиб бориши ҳам ният қилган.

Ишончимиз комилки, мазкур илмий мактаб фаолияти йўлга



қўйилиши келажакимиз эгаларининг илм-фанга бўлган қизиқишини янада оширади, иқтисодий соҳасидаги замонавий билим ва тажрибалар билан таништиришда камарбаста бўлади.

Айтиш жоизки, мактаб фаолияти қатъий режа асосида олиб борилади. Масалан, даргоҳдаги экспонатлар доимий тарзда янгиланиб борилади ва мактаб инвентарига киритилади, уларнинг сақланиши қатъий назорат қилинади. Илмга чанқоқ ёшлар ва янги билимлар билан танишиш истагидаги ўқитувчилар учун бир қатор имкониятларни тақдим этиди. Хусусан, яқин вақтлар ичинда мактаб фаолияти билан таништириш мақсадида туманда жойлашган бошқа таълим муас

туришга шай. Албатта, ўтказилган тадбир ва мулоқотларда академик Қаландар Абдурахмоновнинг ўзи ҳам қатнашиб боришни мақсад қилган.

Ўқув йили давомида эса бошқа умумтаълим мактабларидаги ёшларни инсон капитали ва сунъий интеллект бўйича илмий-амалий билимлар билан таъминлаш мақсадида бир қатор ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Ўқув дастурларини янгилаш ва қўшимча курслар жорий қилиш, инсон капитали ва сунъий интеллект мавзулари бўйича ўқув дастурларига алоҳида фанлар ёки модуллар киритиш, "Ёш академиклар" тайёрлаш курсини ташкил қилиш шуллар жумласидандир.

Мактабнинг келажакда амалга

## «ТРАСТБАНК» ТОМОНИДАН МИКРОЛОЙИҲАЛАР УЧУН АЖРАТИЛАЁТГАН МАБЛАҒЛАР БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ЗАМИН ЯРАТМОҚДА

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш, аҳоли фаровонлигини яхшилаш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Албатта, бу жараёнларда «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки жамоаси ҳам четда тургани йўқ. Юридик ва жисмоний широклар, хусусан, ўзини ўзи банд қилган шахсларга тақдим этилаётган кредит маҳсулотлари натижасида ҳудудларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар сони тобора ортиб, янги иш ўринлари яратилмоқда.

### Молия муассасаларида

Беш ойда 5 мингдан ортиқ иш ўринлари очилди

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш, янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича «Трастбанк» ХАБ томонидан пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Белтепа, Бўстон, Гулобод, Тахтапул, Камолон дарвоза маҳаллаларида бир қатор лойиҳалар рўёбга чиқарилди.

Умуман, 200 га яқин амалга оширилган лойиҳалар натижасида салкам 500 нафар фуқароларнинг бандлигини таъминлашга эришилди.

Жорий йилнинг май — август ойларида жами 193 та лойиҳа ижроси натижасида 487 нафар фуқаро ишли бўлди. Ушбу лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун жами 3 млрд. 382 млн. 400 минг сўм маблағ йўналтирилди.

Бу эса бир неча фаолият турлари, жумладан, тикувчилик, заргарлик, нон ва нон маҳсулотларини тайёрлаш, деҳқон бозорларида савдо қилиш, сартарошлик, етказиб бериш хизматлари каби йўналишларда иш фаолиятини бошлаб, мўмайгина даромад топишларига замин яратди.

Яна бир жиҳат. Ҳар бир маҳалла драйвери бўйича аҳоли алоҳида махсус курсларда ўқитилди ва иш билан таъминланди. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, камбағалликни қисқартириш фақат пул тарқатиш, нафақа тўлаш билан ҳал бўлмайди. Бунинг учун камбағал оила аъзоларини

ўқитиш, касбга ўргатиш ва иш билан таъминлаш муҳим.

Тошкент шаҳрида аҳоли бандлигига эришиш бўйича молия муассасасининг режа кўрсаткичлари белгиланган бўлиб,



апрель — август ойларида 5 мингта янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган эди. Бу кўрсаткич амалда 5 421 тага етказилиб, "yangiish.mehnat.uz" платформасига киритилди.

Бундан ташқари, «Трастбанк» ХАБ томонидан жами 660 млн. сўмлик ҳомийлик маблағлари ажратилган бўлиб, бунинг натижасида 13 нафар аёлга уй шароитида турли пишириқ маҳсулотларини тайёрлаш ва етказиш учун печь ҳамда тикувчилик соҳасини



танлаган 15 нафар хотин-қизга тикув машиналари олиб берилди. Ҳозирда улар халқимизга ўзининг беҳимнат хизматини кўрсатиб келишаётир.

### Оила бюджетига мўмай даромад келтирмоқда

Шайхонтоҳур туманидаги "Белтепа" маҳалла фуқаролар йиғинида жами 8,5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат

касбга тайёрлов курсларида ўқитилди. Яқка тартибдаги тадбиркор Саидкомил Ҳошимов "Трастбанк"дан 100 млн. сўм миқдорда кредит олиб, кимёвий тозалаш хизматини йўлга қўйди.

— 2024 йил июнь ойдан ўз иш фаолиятимизни бошладик, — деди у. — Бу борада «Трастбанк» бизга катта ёрдам кўрсатиб, қисқа фурсат ичида кредит маблағларини ажратиб берди. Бунинг натижасида маҳалламиздан 2 нафар ёшани иш билан таъминладик. Улар шу ҳудуднинг ўзидаяшши, йўлқира, ортиқча ҳаражатларга пул сарфламаслиги боис оила бюджетига яхшигина фойда келтири-

### Ёшлар ҳам хунари, ҳам даромадли бўлмоқда

Реклама

7 минг 830 нафар фуқаро истиқомат қилувчи Гулобод маҳалласида жами 39 та — умумий қиймати 386 млн. сўмлик истиқболли лойиҳалар амалга оширилди. Бунинг натижасида 84 та янги иш ўрни яратилди. Қолаверса, маҳалладаги 8 нафар фуқаро қайта тайёрлов курсларида ўқитилиб, касб-хунарга йўналтирилмоқда.

Ушбу маҳаллада яшовчи Ҳожиакбар Йўлдошев 30 йилдан буюн сартарошлик билан шуғулланиб, халқимизнинг дуосини олиб келимоқда. Яқинда у ўз фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида «Трастбанк»ка қилган мурожаати ижобий ечим топди.

— «Трастбанк»дан кредит олиб, маҳалламизда янги, шинамгина сартарошхона очдик, — деди Ҳожиакбар Йўлдошев. — Ҳозирда 2 нафар шогирдим билан манзилдошларимизга хизмат кўрсатмоқдамиз. Улар олий ўқув юртидаги машғулотларидан кейин шу ерда хунар ўрганишмоқда. Бундан ташқари, оила даромад манбаига ҳам эга бўлишган. Тўғриси айтсам, бу ёшларга ҳавасим келади, боиси ҳам хунари, ҳам даромадли бўлишмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, камбағалликни қисқартириш умумий ҳаракатга айланган бир пайтда бу каби амалга оширилган ишлар катта аҳамиятга молик. Зеро, маҳаллабай ишлаш тизими асосида аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, ҳар бир маҳалла драйверини аниқлаб, бу борада аҳолини ўқитиш ва касб-хунарга йўналтиришга ҳар биримиз ҳисса қўшишимиз зарур.

«Халқ сўзи».

Хизматлар лицензияланган.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашир индекси — 229. Буюртма Г — 942. 12 918 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳосини келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатини маълумотларини текшириш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-45.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.

Газетанинг сўзсиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.  
Мусаҳҳих — С. Исмолов.

"Шарқ" нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.05 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6